


**2021 ноябрь**



**Аҳоли ва тадбиркорлик  
субъектларининг инфляцион  
кутилмалари шарҳи**



**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки**

**Тошкент 2021 йил**


## Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шарҳи

2021 ЙИЛ НОЯБРЬ ОЙИ

### Аҳолининг инфляцион кутилмалари

Жорий йилнинг ноябрь ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича респондентларнинг **инфляцион кутилмалари<sup>1</sup>** **16,5 фоизни** ташкил этган бўлса, медиана қиймати<sup>2</sup> **14,4 фоиз** кўрсаткичда шаклланиб, ўтган ойдаги каби ўсувчи динамикани кўрсатди (1-расм).

1-расм. Аҳолининг инфляцион кутилмалари динамикаси, (фоизда)




Аҳолининг инфляцион кутилмалари йиллик инфляция даражасидан юқори даражада шаклланаётганлигига қарамасдан, респондентларнинг кўпчилик қисми инфляцияни **9-12 фоиз** атрофида бўлишини кутишаётганини билдиришган. Инфляцион кутилмаларнинг медиана кўрсаткичи октябрь ойидаги **13,6 фоизлик** кўрсаткичдан **14,4 фоизгача** ошишига инфляцион кутилмалар бўйича **13-16 фоиз** ва **17-20 фоизлик** жавоблар гуруҳини танлаган респондентлар сонининг ошиши сабаб бўлди (2-расм).

<sup>1</sup> **Инфляцион кутилмалар** – инфляцион кутилмаларнинг турли гуруҳлари бўйича мос жавобни белгилаган респондентлар сонининг ўша жавоблар ўртача қийматига кўпайтмалари йифиндисини жами респондентлар сонига нисбати (ўртача тортилган кўрсаткич).

<sup>2</sup> **Инфляцион кутилмаларнинг медиана қиймати** – келгусидаги инфляция бўйича жавоблар вариацион қаторини teng иккига бўлувчи қиймат.

## 2-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Респондентлар келгусида нархлар ошишига асосий омиллар сифатида **миллий валюта курсининг қадрсизланиши** (47 фоиз), ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт харажатларининг қимматлашиши (43 фоиз) ҳамда улгуржи савдо нуқталарининг камайиши натижасида маҳсулотлар тақлифининг қисқаришини (23 фоиз) келтиришган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қўшни давлатлардаги юқори инфляция кўрсаткичи **импорт қилинаётган товарлар нархининг ошишига** (35 фоиз) олиб келиши иқтисодиёт субъектларининг инфляцион кутилмаларини оширувчи роль ўйнаган. (3-расм).


## 3-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)



## Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари


Ноябрь ойи якунлари бўйича келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича респондент тадбиркорлик субъектларининг кутилмалари **15,6 фоизгача** юқорилади, медиана қиймати эса **13,4 фоизни** ташкил этди (4-расм).

**4-расм. Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари динамикаси (фоизда)**



Аҳоли вакилларида бўлгани каби тадбиркорлик субъектларининг кўпчилик қисми ҳам инфляция кўрсаткичининг **9-12 фоиз** оралиғида шаклланишини кутаётганликларини билдиришган (5-расм).


**5-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича респондентларнинг тақсимоти (респондентларнинг сони)**



Келгусида нархлар ошишига асосий омиллар сифатида тадбиркорлик субъектлари **ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт харажатларининг қимматлашиши** (49 фоиз) ҳамда **миллий валюта курсининг қадрсизланишини** (44 фоиз) келтиришган.

Шунингдек, иқтисодиёт субъектлари томонидан келгуси йилда ҳам пандемия натижасида юзага келган хомашё ва бутловчи қисмлар таклифининг камайиши давом этиши кутилмоқда ва бу, ўз навбатида, **хориждан импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар қимматлашишига** (33 фоиз) ҳамда бу каби **маҳсулотларни етказиб беришдаги узилишлар** (16 фоиз) содир бўлиш эҳтимолининг юқори сақланиб қолишига сабаб бўлади (6-расм).

**6-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари**  
(レスポンデントによる回答、%)



*Манба:* Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Сўровда қатнашган иқтисодиёт субъектларининг деярли **14 фоизи** келгусида турар жой, тижорий бино ҳамда ижара тўловларининг ҳам ошишини билдираётган бўлса, маҳаллий бошқарув органларининг аралашуви давом этиши мумкинлиги респондентларнинг **13 фоизи** томонидан кутилмоқда.